

BAHMAL

GAZETA 1972-YIL
1-APRELDAN
CHIQA BOSHLAGAN



BAHMAL
TUMANI
HOKIMLIGI
GAZETASI

HAUOTI

№ 9 (5030)

19-aprel 2021-yil, dushanba

Bahosi erkin narxda

ISSN 2010-9733

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БАХМАЛ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

2021 йилнинг 3 апрель куни Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгашининг

ажратиш ҳамда кўрсатилган ёрдамлар натижасида "Аёллар дафтари"дан чиқариш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида" туман хокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиги Б.Мирзабеков маъруза қилди.



йигирма олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди ва кўриб чиқилди:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш ҳамда тумандаги мактабларнинг рейтинг кўрсаткичлари тўғрисида". Бу масала юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари Х.Хўжамуротов ахбороти тингланди.

Кун тартибидagi иккинчи масала - "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги "Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги "Аёллар дафтари"ги киритилган аёлларга маблағ

нидаги Халқ қабулхонаси томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш ҳамда фуқаролар билан оммавий қабулларни ўтказиш ҳамда бошқа долзарб масалаларда 2021 йилнинг I-чораги мобайнида амалга оширилган ишлари тўғрисида"ги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бахмал туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Ш.Каримовнинг ахбороти кун тартибидagi учинчи масала сифатида депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Сессияда кун тартибидagi кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишлича қарорлар қабул қилинди.

(Халқ депутатлари Бахмал тумани Кенгашининг йигирма олтинчи сессиясида қабул қилинган қарорлар матни билан газетамизнинг кейинги саҳифаларида танишишингиз мумкин).

(Ўз мухбиримиздан).

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Жаҳон тажрибасида мамлакат аҳолисининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби, оилавий аҳоли,

аммоларга ечим топиш имконини яратад.

Кўпчилик инсонлар аҳолини рўйхатга олиш амалиётини статистик маълумотлар тўплаш тадбирларининг бир кўриши, деб тушунади. Аммо бу шунчаки статистика эмас, балки мамлакат аҳолисининг маълум бир вақтдаги фотосуратини кўриш имкониятини берадиган йирик миқдосдаги тадбир ҳисобланади. Мазкур давлат даражасидаги кенг қўлама, кўп вақт ва маблағ талаб этадиган тадбирни ўтказиш учун халқро талабларга мувофиқ 2-3 йил давомида тайёргарлик ишларини олиб бориш талаб этилади. Ушбу амалиёт мустақиллик йилларида республикада илк бор ўтказилган инноватив олиб, уни ташкил этишга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2020 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилади.



касби, бандлиги, даромад манбаи ва бошқа жиҳатлар бўйича батафсил маълумот тўплашнинг энг самарали усули аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ҳисобланади. Шу боис, 2023 йилда мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига ҳозирдан жиҳдий тайёргарлик кўрилмақда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг 2015 йилдаги резолюциясига асосан аъзо давлатларга ҳар ўн йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш амалиётини ўтказишни тавсия этади. Хўш, бу бизга нима беради? Биринчи навбатда, республика аҳолиси ва унинг турмуш шароити тўғрисидаги ишончли маълумотлар айнан аҳолини рўйхатга олиш орқали шакллантирилади. Масалан, Бахмалда неча киши ишсиз? Жиззаҳда неча оила уй-жойга муҳтож? Сирдарёда яна неча таълим муассасаси қуриш лозим? Қашқадарёда аҳоли хонадонлари асосан қайси йилларда қурилган? Тошкент шаҳрида аслида қанча киши истиқомат қилади ва ҳоказо. Аҳолини рўйхатга олиш амалиёти шу каби кўплаб саволларга жавоб, му-

амоларга ечим топиш имконини яратад.

Бахмал туман статистика бўлими.

Аҳоли диққатига!

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР СОДИР БЎЛГАНДА...

Хонадоннингизда ёки кўни-қўшниларингизникида ёнгин содир бўлганда зудлик билан "101" телефон рақами орқали Ёнгин хавфсизлиги хизматида хабар беринг.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари етиб келгунларига қадар қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- уй ичида одам қолган бўлса уни олиб чиқиш чораларини кўриш;
- шахсий ҳужжатлар ва қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиш;
- ўзингиз ва кўни-қўшнилари ёрдамида мавжуд воситалар (челак, шланг орқали сув сепиш ва бошқалар) билан ёнгинни ўчириш чораларини кўриш;
- гаражда ёнгин содир бўлганда автомобиль ичкарида бўлса ташқарига чиқариш;
- бензин сиғимлари мавжуд бўлса тўла ёки бўш-лигидан қатъий назар гараждан ташқарига олиб чиқиш чораларини кўриш;
- уйда газ ҳиди сезилса гугурт қақиш ва электр чирогини ёқиш портлаш содир бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай вазиятларда эшик ва деразаларни очиб хонани шамоллатиш ва бу ҳақда зудлик билан газ идораларига

хабар бериш керак;

- агар қозонда қиздирилаётган ёғ ёниб кетса унга сув сеппанг - бу ҳаракатингиз ёғ сачрашига ва куйиш тан жароҳати олишингизга сабаб бўлиши мумкин, ушбу ҳолатда фақатгина қозонни қоңқорини ёпиб, оловни пасайтириш ёки ўчириш керак;

- телевизор ёки бошқа электр асбобларида ёнгин содир бўлса биринчи навбатда уларни электр манбаидан ўчириш керак;

- фавқулодда вазиятлар рўй берганда 1050 телефон рақамига хабар беринг.

Шунингдек оддимизда ёмғирли кунлар бошланган арафасида, шундай экан, бугунги кунда сел тошқинлари олдини олишнинг 4 хил усули мавжуд. Биринчиси, тоғ олди, адирлар ёнбағирларида агротехник усулларни қўллаш орқали. Бунда мазкур ҳудудларга дарактлар экилади.

Иккинчиси, тоғолди сув йўналишларини бошқариш. Бунинг учун сув четлатувчи, сув қочирувчи новлардан фойдаланилади. Бунда тоғдан келаётган сув тошқинлари мазкур новлар орқали аҳоли яшамайдиган ёки бошқа хавфсиз ҳудудларга чиқариб юборилади.

Учинчиси, сойнинг ўзанида муҳандислик ин-

шоотлари тўсиқларини қуриш. 1950-1960 йилларда сел омборлари қурила бошланганда. Фарғона водийси, Андижон, Косонсой, Қувасойда 30 дан ортиқ сел омборлари қурилгани маълум. Бу ерда сел тошқинларининг ҳажмлари ушлаб қолинган ва ортиқ сув каналлар орқали пастликларга юборилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 170 дан ортиқ сел омборлари мавжуд. 1958 йил биринчи қурилган сел омбори баланглиги 14 метр бўлган бўлса, ҳозирда Илонсой дарёси ўзанида худди шундай сел омбори 30 метрлик қилиб қурилмоқда.

Тўртинчиси, дарё қирғоқларини сув ва сел тошқинларидан ҳимоялаш. Бунинг учун махсус бетонлар ўрнатилиши мумкин. Темир тўрлар ичига тошлар тахлаб қўйилиши амалиётга киритилган.

Бахмал туман ФВБ ходимлари туман фуқароларини огоҳликка чақириб, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин ва бошқа фавқулодда вазиятлар олдини олиш мақсадида юқорида келтирилган ёнгин хавфсизлиги қоида талабларига тўлиқ амал қилишингизни сўрайди.

О.БОЙМУРОДОВ,
Бахмал туман ФВБ бошлиғи, капитан.

